O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING

# QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021-yil 16-январ 77и-son Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Исмайилов Балтабайнинг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани "Саҳоват" маҳалласида яшовчи фуқаро Исмайилов Балтабайнинг "Саҳоват" маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 20 ноябрдаги ХО-И-3251-сонли аризасини, "Саҳоват" маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 20 ноябрдаги 4016-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"нинг 187-моддасига, "Уй-жой кодекси"нинг 22, 23-моддаларига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган "Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани "Саҳоват" маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 47,4 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 200,25 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 254,5 квадрат метр, қурилиш ости майдони 324,0 квадрат метр, умумий ер майдони 1273,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Исмайилов Балтабайга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.
2. Фуқаро Исмайилов Балтабайга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Исмайилов Балтабайга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин

**Боғот тумани ҳокими**
**вазифасини бажарувчи** **Ш.Яхшибаев**